



К. МУНИРОВ



Амир Хусрав
Дехлавий
кўлёзма
асарлари
катта рози

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қ. МУНИРОВ

АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ
АСАРЛАРИНИНГ ЎЗССР ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ТЎПЛАМИДАГИ
ҚЎЛЁЗМАЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 1975

Таҳрир ҳайъати:

ЎзССР ФА академиги И. М. Мўминов, |
филология фанлари доктори Ш. М. Шомўхамедов,
филология фанлари кандидати Б. М. Мусаев.

Муниров К.

Амир Хусрав Деҳлавий асарларининг
ЎзССР Фанлар Академияси шарқшунослик
институтини тўпламидаги қўлёзмалари.

Редколлегия: И. М. Мўминов, Ш. М. Шомўхамедов, Б. М. Мусаев
Т., «Фан», 1975.

54 б., расм. (ЎзССР ФА Абу Райҳон Беру-
ний номидаги шарқшунослик ин-ти).

Муниров К. М. Рукописные произведения
Амира Хосрова Дехлеви в фондах института
востоковедения АН УзССР.

001+9(M)03

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёзма асарлар хазинаси ўтмишдан илмий мерос бўлиб қолган қўлёзма асарларни бир ерга тўплаш натижасида кундан-кунга бойиб бормоқда.

Ҳозирги кунда бу асарлар илмий асосда ўрганилиб, уларнинг қисқача илмий тавсифи билан каталоглари нашр этилмоқда. Жумладан, мазкур институт ходимлари фондда сақланаётган қўлёзма асарлар каталогининг тўққиз томини нашр эттирдилар.

Шунингдек, Абу Али ибн Сино¹, Абдурахмон Жомий² ва Алишер Навоийнинг³ институт қўлёзма фондида сақланаётган асарлари алоҳида каталог қилиб нашр этилди.

Институт фондида сақланаётган қўлёзмалар орасида Шарқ классик адабиётининг йирик намояндаси, ажойиб шоир, тарихшунос ва мусиқачи олим Амир Хусрав Деҳлавийнинг асарлари алоҳида ўрин тутди. Амир Хусрав Деҳлавий туғилган кунининг 700 йиллик юбилейи муносабати билан унинг мазкур институт фондида сақланаётган қўлёзма асарлари каталогини тузиб, уни хусравшунос олимлар ва илмий жамоатчиликка тақдим этишни лозим кўрдик. Маълумки, Амир Хусрав асарлари бир қисмининг илмий тавсифи тўққиз томлик каталогда берилган эди⁴.

1. С. Мирзаев, Ибн Синонинг Шарқшунослик институтида мавжуд асарлари (библиография), Тошкент, ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, 1955.

2. Рукописи произведений Абдурахмана Джами в Собрании Института востоковедения АН УзССР. Составители: А. Урунбаев и Л. М. Епифанова, Ташкент, Изд-во „Наука“ УзССР, 1965.

3. Қ. Муниров, А. Носиروف, Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталог, Тошкент, „Фан“, 1970.

4. „Собрание восточных рукописей АН УзССР“, т. I, под редакцией и при участии чл.-корр. АН УзССР и действительного чл. АН ТаджССР проф. А. А. Семенова, Изд. АН УзССР, 1952; СВР. т. VI, под редакцией и при участии проф. А. А. Семенова и канд. истор. наук Д. Г. Вороновского, Изд. АН УзССР, 1963; т. IX, под редакцией и при участии канд. истор. наук А. Урунбаева и канд. филол. наук Л. М. Епифановой, Ташкент, „Фан“, 1971 (Бундан кейин мазкур тўплам қисқартрилиб СВР деб берилди).

Амир Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва ижоди кўпгина олимлар томонидан ўрганилди, унинг асарлари нашр этилди. Мазкур каталогни мутолаа қилувчилар, Амир Хусравнинг ҳаёти ва ижодини маълум даражада тасаввур эта олсинлар деган мақсадда унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот бериб ўтишни лозим кўрдик.

Амир Хусрав Деҳлавийнинг тўлиқ исми Яминиддин Абул Ҳасан Амир Хусрав ад-Деҳлавий бўлиб, у 651/1253 йили Ҳиндистоннинг Гаанг дарёси бўйидаги Патёли деган жойида дунёга келади. Отасининг исми Амир Сайфиддин Маҳмуд бўлиб, у Осиёнинг (Кеш—Шаҳрисабз) туркий қабилаларидан чиққан⁵.

Ажойиб истеъдод эгаси Амир Хусрав ўз замонасининг буюк шоири, тарихшунос олими ва мусиқачиси бўлиб етишади. «Хусрав Деҳлавий Деҳли султонларидан Носириддин Маҳмуд (1246—1265), Ғиёсиддин Балбан (1265—1287), Кайқубод (1287—1290), хилжийлар сулоласидан султон Жалолиддин Фирузшоҳ (1290—1296), Алоиддин (1296—1316), Муборакшоҳ (1316—1320) ва тўғлуқшоҳлар сулоласидан Ғиёсиддин Тўғлуқшоҳ (1320—1325) ҳукмронлиги даврида, яъни уч сулоладан чиққан етти ҳоким даврида яшаган ва кўп тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлган»⁶. Амир Хусрав 1325 йили Деҳлида вафот этган.

Унинг вафоти тарихи кўйидаги мисраларда келтирилган:

شد «عديم المثل» يك تاريخ او
ديگری شد «طوطى شكر مفال»⁷

Мазмуни:

Унинг бир тарихи «адимул мисл» (мислсиз) бўлди, ва иккинчиси «тўтийе шаккар мақол» (ширин сухан тўти) бўлди»⁸.

Келтирилган «адимул мисл» ва «тўтийе шаккар мақол» сўзларидан, абжад ҳисоби билан ҳисобланса, 725/1325 йил келиб чиқади.

Бу олим фақат Ҳиндистондагина эмас, балки Урта Осиё, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида буюк адиб сифатида шуҳрат топди. Ҳозирча Амир Хусрав Деҳлавийнинг қанча ва қандай номларда асарлар яратгани маълум эмас.

Хусрав асарларини кўриш ва ўрганиш учун Ҳиндистон бўйлаб махсус сафар қилган Т. Бақоев у ерда Амир Хусравнинг қўлёзма

⁵ Амир Хусрав Деҳлавий, Куллиёт, шоирнинг „Тухфат ус-сиғар“ девонига ёзган сўз бошиси, Ленинград Давлат университети Шарқ факультети кутубхонасида М 094 1622 инвентарь рақами остида сақланаётган қўлёзма, 4а саҳифа, Ш. Шомухамедов, Б. Мусаев, Амир Хусрав Деҳлавий, Тошкент, ЎзССР „Фан“ нашриёти, 1971, 10-бет.

⁶ И. Низомиддинов, Амир Хусрав Деҳлавий, Тошкент, 1969, 4-бет.

حيسن على خان بن آقا على خان، نشر عشق

⁷ ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв. № 4321, в. 315⁶.

⁸ Ш. Шомухамедов, Б. Мусаев, Амир Хусрав Деҳлавий, Тошкент, „Фан“ нашриёти, 1971, 21-бет.

асарларини кўрганлигини, лекин унинг тўлиқ асарлари тўлламани учратолмаганлигини ҳикоя қилади. Бу борада қўлёзма ва босма маъбаларда ҳар хил маълумотлар келтирилган. Мазкур маъбалар ўрганилганда, улар маълум даражада бир-бирларидан фойдаланганликлари, бир-бирларининг фикрини тасдиқлашлари яққол кўзга ташланади. Буюк шоир ва Шарқ классик адабиётининг намояндalarидан бири Абдурахмон Жомий Амир Хусрав илмий мероси ҳақида қуйидаги маълумотларни ёзиб қолдирган:

چنان که نودنه کتاب تصنیفی کرده است و میگویند که در بعضی مصنفات خود نوشته است که اشعار من از پانصد هزار کمتر است و از چهار صد هزار بیشتر و میگویند که شیخ سعدی را در ایام جوانی در یافته است⁹

Мазмуни:

«Шундай қилиб 99 китоб тасниф қилгандир. Айтишларича, у ўзининг баъзи асарларида «Менинг шеърларим беш юз мингдан камроқ ва тўрт юз мингдан ошиқроқ»,— деб ёзган. Айтишларига қараганда, ёшлик вақтида Шайх Саъдий билан учрашишга муяссар бўлган».

Ўз даврининг кўзга кўринган тазкиранависи Давлатшоҳ Самарқандий Амир Хусрав ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради:

اصل خواجه تراك است و گویند از شهر كش بوده از هزاره¹⁰ لاجین است که در حدود قرشی مینشسته اند. در روزگار چنگیزخان از ماورا النهر گریخته بهند افتاده اند. پدر امیر خسرو امیر محمود مهتر و مهترزاده⁹ لاجین است و در عهد ... سلطان محمد تغلقشاه محمود لاجین انواعی عنایت و شفقت و التفات میندول میداشته و او در جه عالی یافت.... شهید شد. امیر خسرو قایم مقام پدر گردید و باسم امارت موسم بود.

در حواهر الاسرار شیخ العارف آذری... آورده است که در نهایت پیری شیخ مصلح الدین بهند رفته و خسرو اورا ملازمت کرده و خسرو در حق شیخ سعدی اعتقانی عظیم دارد و اعتقاد او از این بیت خسرو معلوم میشود:

بیت

خسرو سرمست اندر ساغر معنی بریخت

شیره از خمخانه⁹ سعدی که در شیراز بود¹⁰

Мазмуни:

⁹ عبد الرحمن جامی، نفحات الانس، تاشکند، ۱۹۱۵،

ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти босма ва литография асарлар фонди, инв. № 3420, 590-бет.

¹⁰ دولت شاه بن بخت شاه سمرقندی، تذكرة الشعراء،

ЎзССР ФА ШИ, қўлёзма, инв. № 4352 в. 78^{а+б}.

«Хожанинг келиб чиқиши туркий халқлардан бўлиб, Кеш шаҳридаги Лочин уруғидан бўлганлар ва Қарши атрофида яшаганлар. Чингизхон даврида Мовароуннаҳрдан қочиб Ҳиндистонга бориб қолганлар. Амир Хусравнинг отаси Амир Маҳмуд меҳтар, Лочин уруғининг меҳтарзодаларидандир. Муҳаммад Тўғлуқшоҳнинг султонлик даврида Маҳмуд лочин турли илтифот ва иноятлар кўради ва олий даражага эришади. У ...шаҳид бўлгандан кейин, ўғли Амир Хусрав отаси ўрнига ўтиради ва амирлик унвонини олади».

Шайх ал-Ориф Озариининг «Жавоҳир ал-асрор»ида келтирилишича, Шайх Муслиҳиддин кексайиб қолган вақтида Ҳиндистонга борган ва Амир Хусрав унга мулозиматлар кўрсатган. Амир Хусрав Шайх Саъдий ҳақида катта фикрда бўлган. Унга бўлган эътиқоди Хусравнинг қўйидаги байтидан маълум бўлади:

«Сархуш Хусрав маъно косасига Шероздаги Саъдий хумхонасидан шира олиб қўйди».

Шунингдек, Давлатшоҳ Самарқандий ўз асарида Амир Хусрав «Хамса», тўрт девон («Тухфат ас-сиғар», «Васат ал-ҳаёт», «Фуррат ал-камол», «Бақияйи нақия»), «Қирон ас-саъдайн», «Дувалроний ва Хизрхон», «Нуҳ спехр», «Маноқиби ҳинд», «Тарих-и Деҳли», «Баҳр ал-аброр», «Анис ал-қулуб», шунингдек, музыкага оид бошқа асарлар ёзганлиги ҳақида ҳикоя қилади¹¹.

Хусравнинг қасида ва ғазалларидан унинг устози шайх Низомиддинга бўлган ҳурмати кўриниб туради. Амир Хусрав устозига махсус қасидалар бағишлайди. Айни вақтда шайх Низомиддин ҳам ўз шогирди Амир Хусравнинг талантига қойил қолади ва уни эҳтиром этади. Унинг Амир Хусравга бўлган муносабатини қўйидаги байтдан кўриш мумкин:

خسرو که بنظم و نثر مثلش کم خاست
ملکیت ملک سخن آن خسرو راست¹²

Мазмуни:

«Хусравнинг назм ва насрда тенги кам топилади,

Сўз мулканинги подшоҳлиги шу Хусравникидир».

Алишер Навоий ҳам Амир Хусрав Деҳлавий ижодига юқори баҳо берган ва уни ўз устози сифатида улуғлайди. Навоий Амир Хусрав ҳақида бундай дейди:

Ғазалда уч киши¹³ таъридул ул навъ,
Ким андин яхши йуқ назм ихтимоми.
Бирн муъжиз баёнлик соҳири Ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли...

¹¹ Ўша асар. инв. №. 4352, п.: 78^а.

¹² عبدالحق بن سيف الدين دهلې بخارى، اخبار الاخيار فى اسرار الابرار،

ЎзССР ФЛ ШИ, қўлёзма, инв. 2104, п.: 138^б.

¹³ Бу ердаги уч киши—Амир Хусрав, Хофиз ва Жомийдир.

Ўз даврида Ҳиндистонда наср ва назмда беназир бўлган Амир Хусрав музика илмини ҳам пухта эгаллаган. Бу ҳақда у ўзининг савол ва жавоб тарзида ёзилган бир асариди «Шеър ва музика нима?» деган саволга жавоб бериб, ҳар иккала илмда комил эканлигини кўрсатиб ўтади¹⁵.

Юқоридаги маълумотлардан Амир Хусравнинг шеърини ҳам, музика илми ҳам комил эканлиги аниқ кўриниб турибди. Кейинги пайтларда унинг музика соҳасидаги асарлари кенг ўрганган. Масалан, XVII асрда яшаган атоқли мусиқанавис Дарвеш Али б. Мирза Али б. Абд ал-Али б. Муҳаммад Мўмин Қонуний б. Хожа Абдулло б. Хожа Муҳаммад Марворид ўзининг мақомларга бағишланган «Рисола-и мусиқий» асариди XIII—XIV асрнинг буюк шоири ва музикашуноси Амир Хусрав Деҳлавийнинг музика соҳасига онд асаридан фойдаланганлигини қайд қилиб ўтади¹⁶.

Муҳаммад Қосим Ҳиндушоҳнинг «Тарихи Фиришта»¹⁷, Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Мажмаъ ал-фусаҳ»¹⁸, Озод Ҳусайнийнинг «Ҳазона-и омира»¹⁹ ва бошқа асарларда Амир Хусрав ҳақида маълумотларни учратиш мумкин. Лекин шунини айтиш керакки, улардан баъзиларида, Амир Хусрав авлоди балхлик деб кўрсатилади. «Қашф аз-зунун», «Доират ал-маориф», «Қомус ал-аълом», Ш. Шомухамедов, Б. Мусаевнинг «Амир Хусрав Деҳлавий» ва шунингдек, И. Низомиддиновнинг Хусрав ҳақидаги асарларида, юқорида номлари келтирилган асарларидан ташқари, Амир Хусрав Деҳлавий «Тож ал-футуҳ», «Афзал ал-фавойид», «Аъжоз-и Хусравий», «Туглуқнома», «Ҳазойин ал-футуҳ», «Беҳжат ал-осор», «Мирот ас-сафо», «Баҳр ал-асрор», «Мифтоҳ ал-футуҳ», «Жавоҳир ал-бахр», «Тарона-и ҳинд» ва бошқа бир қанча асарлар ижод этганлиги кўрсатиб ўтилган.

¹⁴ Алишер Навоий, Ҳазойин ул-маоний, т. IV, Нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон, Тошкент, 1960, 731-бет.

¹⁵ امير خسرو دهلوی، (کليات)،

ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв. № 178, в. 196^а.

¹⁶ Дарвеш Али б. Мирза Али, (Чангий Хоқоний—*چنگی خاقانی* Рисола-и мусиқий (*رساله موسیقی*), ЎзССР ФА ШИ қўлёзма, инв. № 449, СВР, т. I, 1952, стр. 318.

¹⁷ محمد قاسم هندوشاه، تاریخ فرشته، لکهنو، ۱۹۰۵،

ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти литография китоблар фонди, инв. № 5244, 402—403-бетлар.

¹⁸ رضاقلی هدایت، مجمع الفصحا، طهران، ۱۸۷۸،

Мазкур фонд, инв. № 5045, 213-бет.

¹⁹ آزاد حینی، خزانه، عامره، کانپور، ۱۹۰۰،

Мазкур фонд, инв. № 3553, 209-бет.

Амир Хусрав асарларининг қўлезма нусхалари Совет Иттифоқининг, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг қўлезма фондларида ҳам сақланмоқда.

ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлезмалар фондида Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъ ал-анвор», «Ширин ва Хусрав», «Мажнуун ва Лайли», «Ойинан Искандарий», «Ҳашт беҳешт» номли достонларини ўз ичига олган «Хамса», «Тухфат ас-сиғар», «Васат ал-ҳаёт», «Фуррат ал-камол», «Бақияий нақия», «Ниҳоят ал-камол» девонларига киритилган шеърлар тўплами—девори, «Қирон ас-саъдайн», «Нуҳ спехр», «Дувалроний ва Хизрхон», «Мифтоҳ ал-футуҳ» номли асарларининг қўлезма нусхалари сақланиб қолган.

Бу каталог Амир Хусрав Деҳлавий асарларининг Тошкентда сақланаётган ана шу қўлезма нусхаларининг қисқача илмий тавсифига бағишланади. Шунингдек, бу ерда Амир Хусрав девонларининг тузилиш тартибига ҳам бир оз тўхтаб ўтишни лозим топдик. Амир Хусрав «Тухфат ас-сиғар», «Васат ал-ҳаёт», «Фуррат ал-камол», «Бақияий нақия» ва «Ниҳоят ал-камол» номли девонларини ижод этиб, уларга сўз боши ҳам ёзади. Мазкур девонларнинг сўз бошиларида Амир Хусрав ўз ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида анча қимматли маълумотлар келтирган.

Тошкентда мазкур қўлезма фондида мавжуд бўлган Амир Хусрав девонларининг ҳамма нусхалари, юқорида номлари зикр этилган девонларида келтирилган шеърларни ўз ичига олса-да, лекин улар алоҳида-алоҳида бешта девонга ажратиб тузилмаган. Девон тузиш анъанасига кўра, келтирилган ғазаллар бир муқовада алифбе тартибда жойлаштирилган.

Амир Хусравнинг биринчи девони «Тухфат ас-сиғар»нинг илмий-танқидий матнини тузиш устида иш олиб борган Б. Мусаев ўз асарида олимнинг мазкур беш девонининг алоҳида-алоҳида тузилган нусхалари мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтади²⁰.

Тошкент Шарқшунослик институтининг қўлезмалар фондида сақланаётган ва бу каталогга илмий тавсифи киритилган мазкур девонлар, ўтган 700 йил давомида ҳар хил хаттотлар томонидан Ҳиндистон, Урта Осиё, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида кўчирилган. Шу туфайли уларнинг ҳажми, уларга киритилган ғазаллар, қасидалар, рубоийларнинг адади ҳам турличадир. Мазкур нусхаларни бир-бири билан солиштириб кўрилганда, улар маълум даражада бир-бирини тўлдиради. Бу нусхаларнинг баъзилари 400 варақдан ортқ бўлса, баъзилари эса 80 ёки 30 варақ бўлган.

Амир Хусрав асарларининг илмий-танқидий матнини тузиш, келажакда хусравшунос олимларнинг зиммасига ҳавола қилинадиган асосий вазифалардандир.

Бу борада ҳам Ўзбекистон хусравшунос олимлари томонидан баъзи ишлар амалга оширилди. Жумладан, унинг «Хамса»сидан

²⁰ Б. М. Мусаев, Текстологическое исследование газелей „Тухфат ас-сиғар“ Амира Хусрова Деҳлави, Автореферат на соискание ученой степени кандидата филологических наук, Ташкент, 1969, стр. 12.

«Ҳашт бехешт»²¹, «Ойинаи Искандарий»²² дostonлари ва «Тухфат ас-сигар»²³ девонининг илмий-танқидий текстлари тузилди.

Амир Хусрав Дехлавий асарларининг мазкур институт қўлэмалар фондида сақланаётган нусхалари орасида, шундай ажойиб нусхалари борки, улардан бири XIV асрда кўчирилган бўлса, иккинчиси машҳур лирик шоир Ҳофиз Шерозий томонидан китобат қилинган.

178-рақам остида сақланаётган ва шартли «Куллиёт» деб аталган (СВР, т. II, стр. 113) бу нусха XIV асрда, замонасининг етук хаттотлари томонидан йирик суле хати билан кўчирилган. Биз Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний чомидаги Шарқшунослик институти қўлэмалар фондида 9661-рақамда сақланаётган иккинчи куллиёт билан қисман танишиб чиқдик. 178-рақамли куллиётни бизгача ўрганиб, уни илмий тавсиф этган олимлар томонидан қуйидаги маълумотлар келтирилган: «Асарнинг бошланишида катта сўз боши бўлиб (1^а—60^с), ораларида араб тилида ёзилган цитаталар ва шеърый парчалар келтирилган. Эҳтимол бу асар Амир Хусравнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўзи томонидан ёзилган алоҳида насрий асар ҳам бўлиши мумкин»²⁴.

Бу асарни олимнинг 9661-рақамда сақланаётган куллиётда келтирилган «Гуррат ал-камол» девонининг сўз бошиси (106^с—147^с) билан солиштириб кўрганимизда, Амир Хусравнинг учинчи девони «Гуррат ал-камол»га ёзилган сўз бошиси бўлиб чиқди. Бу 178-рақамли куллиётда эса мазкур сўз бошидан сўнг, Амир Хусравнинг қасидалари келтирилган.

Мазкур 178-рақамли куллиётга Амир Хусравнинг ҳамма қасидалари киритилган бўлмаса-да, бу ерда келтирилган қасидаларни 9661-рақамли куллиётда келтирилган қасидаларга солиштириб кўрганимизда, улар деярли ўхшаш бўлиб чиқди. Лекин 178-рақамли нусхада 9661-рақамдаги куллиётда берилмаган бир неча қасидалар ҳам келтирилган. Масалан: 119^а, 124^а ва бошқа бетларда келтирилган қасидаларни кўрсатиш мумкин.

Яна бу куллиётнинг афзаллиги шундаки, бу ерда унинг *مفتاح الفتوح* номли асари ҳам келтирилади. Мазкур институт фондида бу асар ягона нусхада, шу куллиёт ичида келтирилган.

Яна каталогда (СВР, т. II, стр. 113) кўрсатилишича, 178-рақамли «Куллиёт», «*نقش نامه*» номли асар билан тугалланади. Бу

²¹ Дж. Эфтихор, Текстологическое исследование поэмы „Хашт бехешт“ Амир Хосрова Дехлави, Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата фил. наук, Ташкент, „Фан“, 1968.

²² Дж. Мирсанов, Текстологическое исследование поэмы „Ойинаи Искандарий“ („Зеркало Искандара“) Амир Хосрова Дехлави, Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук, Ташкент, Изд-во „Фан“, 1970.

²³ Б. М. Мусаев, Текстологическое исследование газелей „Тухфат ас-сигар“ Амир Хосрова Дехлави, Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук.

²⁴ СВР, т. II, Ташкент, 1954, стр. 113, № 1001.

асар 677/1278 йили (в: 264⁶) тасниф этилган бўлиб, уни биз Амир Хусрав асарлари орасида ҳозирча учратмадик.

Текширишлар натижасида бу асар олимнинг ўз акаси Изиддин Алишоҳга атаб ёзган номаси бўлса керак деган хулосага келдик. Қосим Ҳиндушоҳнинг хабар беришича, Амир Хусравнинг отаси вафот этгандан сўнг, унинг тарбияси билан бобоси Имод ал-Мулк ва биродари Изиддин Алишоҳлар шуғулланганлар²⁵.

9661 рақамдаги куллиёт Амир Хусравнинг Тошкентда сақланиб қолган қўлёзма асарларининг энг яхши нусхаларидан биридир. Бу нусха хатот томонидан чиройли настаълиқ хатида диққат билан китобат қилинган. Бу куллиётда Амир Хусравнинг «Хамса», «Тухфат ас-сиғар», «Васат ал-ҳаёт», «Гуррат ал-камол» девонларига ёзган сўз бошилари, қасидалари, рубойилари, ғазаллари, «Қирон ус-саъдайн», «Дувалроний ва Хиэрхон», «Нуҳ спехр» асарлари келтирилган. Нусха ажойиб бадий лавҳалар билан безатилган.

Тошкент қўлёзма фондида сақланаётган нодир асарлардан Амир Хусрав Деҳлавийнинг Ҳофиз Шерозий томонидан кўчирилган «Хамса»сидир. Ҳозиргача бизга Ҳофизнинг қалами билан ёзилган бирон-бир бошқа асарнинг дунё хазиналарида мавжудлиги маълум эмас. Мазкур «Хамса»нинг беш дostonидан уч достони («Хусрав ва Ширин», «Ойнаи Искандарий» ва «Ҳашт беҳешт») Ҳофиз Шерозий томонидан кўчирилган. Ҳар уч дostonнинг охирида Ҳофиз томонидан кўчирилганлиги ва кўчирилган вақти аниқ кўрсатилган.

Бу нусханинг Ҳофиз қаламига мансуб эканлиги ҳақида Ж. Эфтихор ҳам тўхталиб ўтган²⁶.

Девонлар орасида ҳам жуда ажойиб нусхалар бор. Уларнинг илмий таърифи ўз ўрнида келтирилди.

Мазкур каталог қуйидаги тартибда тузилди: Аввало асарнинг номи араб алифбесида берилди ва тагида транскрипцияси ҳамда асарнинг қисқача мазмуни ва ёзилган йили келтирилди. Шунингдек, мазкур нусханинг инвентарь рақами, ҳажми, котибнинг исми аниқланган ҳолларда кўчирилган йили ва шаҳри, хати, қўлёзмага ишлаган бадий безаклари ва нуқсонлари кўрсатилди.

Асарларнинг нусхалари кўчирилиш тарихига қараб хронологик тартибда берилди. Тасниф ёки кўчирилган йили аниқланган ҳолларда ҳижрий ва милодий ҳисоби билан келтирилди.

Шунингдек, ҳар бир нусха охирида, агар у нусха «ЎзССР Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари тўплами»га киритилган бўлса, қайси томга киритилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Қўлёзмада кўчирилган шаҳри кўрсатилган бўлса келтирилди,

محمد قاسم هندوشاه، تاريخ فرشته، لکھنؤ، 1905²⁵

ЎзССР ФА ШИ литография китоблари фонди, инв. № 5244, 402—403-бетлар.

²⁶ Дж. Эфтихор. Текстологические исследования поэмы «Хашт беҳешт» Амир Хосрова Деҳлави, Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук, Ташкент, Изд-во «Фан», 1968.

кўрсатилмаган ҳолларда эса, масала очиқ қолдирилди. Агар қўл-ёзмада кўчирилган йили кўрсатилмаган бўлса, хатига, қоғоз ва тузилишига қараб, қайси асрда кўчирилганлиги ҳам тахминан кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг литография ва босма китоблари фондида сақланаётган Амир Хусрав асарларининг алфавит кўрсаткичи ҳам берилди.

Амир Хусрав Деҳлавий қўлёзма асарларининг бир неча нусхасидан намуна сифатида фото нусхалари ҳам берилди.

Мазкур каталогни тузишда кўрсатган ёрдам ва маслаҳатлари учун ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори У. И. Қаримовга, филология фанлари кандидатлари А. Расулов, А. Муродов ва катта илмий ходим А. Носировга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Қувомиддин Муниров

ҚЎЛЁЗМАЛАР ТАЪРИФИ

1. (کلیات امیر خسرو دهلوی)

178.

(„КУЛЛИЁТ-И АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ“)

Бу тўплам Амир Хусравнинг куллиёти бўлмай, унда асосан Амир Хусравнинг қасидалари, маснавийлари, рубойлари келтирилган. Бу нусха *غرة الکمال* — „Гуррат ал-камол“ девонининг сўз бошиси ($1^{\circ} - 59^{\circ}$) билан бошланади. Биздан олдин бу қўл-ёзмани илмий тавсиф этган проф. А. А. Семенов шартли равишда қавс ичида „Куллиёт“ деб атаган. Шу сабабли каталогда ҳар хиллик пайдо бўлиб қолмаслиги учун, биз ҳам шартли равишда „Куллиёт“ деб атадик. Мазкур сўз бошидан сўнг унинг қасидалари келтирилади ($60^{\circ} - 199^{\circ}$). Бу қасидаларни 9661 рақамдаги „Куллиёт“ да фақат „Гуррат ал-камол“ сўз бошисидан сўнг келтирилган қасидалар ($106^{\circ} - 235^{\circ}$) билан солиштирилганда, улар мазмунан деярли ўхшашдир.

Қасидалар қуйидаги сўзлар билан бошланади:

چون افتاب روشن تو حید ذوالجلال
(в. 60°). بنمود رخ ز مطلع این غرة الکمال

Сўнгра мазкур тўпламда унинг рубойлари ($200^{\circ} - 235^{\circ}$) келтирилади. Лекин рубойларнинг аввали ва охири суқутли.

Сўнгра унинг 690/1291 йили султон Жалолиддин Фирузшоҳга (689/1290—695/1296) бағишлаб ёзилган *مفتاح الفتوح* — „Мифтоҳ ал-футуҳ“ номли асари келтирилган.

Амир Хусрав асарнинг номи ва ёзилиш тарихи ҳақида қуйидагича (в. 257°) ёзади:

زده فتخش می اندر جام کردم
که مفتاح الفتوح حش نام کردم
براوردم چو فردوس برینش
دوم عشر جماد آخر رنیش
بتاریخ انج در سلك عدد بود
زهجرت سال شصد با نود بود.

Бу куллийёт 677/1278 йили (в. 264^с) Амир Хусравнинг Алишоҳ номли биродарига ёзган номаси билан тугайди. Бу нома ҳам суқутли.

Мазкур нусха қора сиёҳ, сарлавҳалари эса қизил сиёҳ билан, йирик сулс хатида, қалин шарқ қоғозига ёзилган. Асар хати ва тузилишига қараганда икки котиб томонидан кўчирилганга ўхшайди. 1^а—158^с ва 191^а—282^с гача бўлган қисми бир котиб томонидан кўчирилган бўлса, 159^а—190^с қисмидаги текст бошқа бир котиб томонидан кўчирилган. 159^а варағидан 190^с варағигача бўлган текст қизил сиёҳда чизилган рамка ичига олинган.

Нусханинг аввали ва охири суқутли бўлиб, уни 9661 рақамли куллийётга солиштириб кўрганимизда, асар аввалидан бир варақ тушиб қолганлиги аниқланди. Охиридан эса қанча етишмаслигини аниқлаш мумкин бўлмади.

Асарда котибнинг исми ва кўчирилган йили кўрсатилмаган.

Хати, қоғози ва тузилишига қараганда, бу нусха XIV асрда кўчирилган.

Асарнинг икки ерида бу қўлёзма қайси вақтда, қаерда ва кимларнинг қўлида бўлганлиги ёзиб қўйилган. М: 59^с варағида бундай сўзлар учрайди:

بتاریخ يوم الخميس رابع الحرام سنة احدى عشر و ثمان مائة
دربلدة سمرقند... محمد امیر یحیی رسیده است.

60^а варағида эса бундай дейилади:

صاحبہ و مالکہ عبداللہ بن سیداحمد الشیرازی بتاریخ شهر
ذوالقعدة الحرام سنة سبع و تسمانہ در مقام عجدوان ولایتی قاهرہ
بخارا رسید.

282 в., 26×34

СВР, т. II, стр. 113, № 1001.

2.

کلیات امیر خسرو دهلوی

9661

„КУЛЛИЁТ-И АМИР ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ“

Бу куллийётга Амир Хусравнинг *تحفة الصغر* — „Тухфат ас-сиғар“ (1^с — 4^с), *وسط الحیات* — „Васат ал-ҳаёт“ (40^а — 45^с) ва *غرة الكمال* — „Фуррат ал-камол“ (106^с — 147^с) девонларига ёзган сўз бошиси, ғазаллари, қасидалари, рубойлари (1^с — 640^с) киритилган.

Шунингдек, мазкур асарнинг ҳошиясига унинг „Хамса“си, яъни *شیرین و خسرو* — „Матлаъ ал-анвор“ (6^с — 80^с), *مطلع الانوار* — „Ширин ва Хусрав“ (81^с — 173^а), *مجنون و لیلی* — „Мажнун ва Лайли“ (173^с — 231^а), *آينه اسکندری* — „Ойинан Искандарий“ (231^с — 317^а), *هشت بهشت* — „Ҳашт беҳешт“ (317^с — 402^с), *نه سپهر* —

„Нуҳ спехр“ (403^б—512^б), „Дувалтроиш ва Хизрхон“ (513^б—577^б), „Қирон ас-саъдайн“ (578^а—660^а) номли асарлари ёзилган.

Бу қуллиётдаги 106^б варақдан 235^б варақчага бўлган текст 178 рақамдаги қуллиётнинг 1^а варағидан 188^б варағигача бўлган текстига деярли ўхшайди. Бу қуллиётнинг 236^а варағидан бошлаб бошқа текст бошланади. Текшириб кўрилганда, шу орадан бир оз ўшаиб қолганга ўхшайди.

Бу икки қуллиётда келтирилган текстларни солиштириб кўрилганда, 9661 рақамли қуллиётда келтирилган қасидаларнинг орасида ва охирида баъзан бир мисра, баъзан икки мисра котиб томонидан қолдирилиб кўчирилганлиги аниқланди. У мисралар учун махсус ўрин қолдирилишига қараганда, котиб кейинчалик у мисраларни қизил снѐҳ билан ѓзмоқчи бўлган бўлса керак. Масалан, 178 рақамли қўлѓзманинг 168^б варағида келтирилган қасида 9661 рақамдаги қўлѓзманинг 223^а варағидаги қасидага солиштирилганда

شہ جلال الدين و دنيا آفتاب با شرف
مہ جبین فیروز شہ کو شد ثریبارا شرف

мисраси ёзилмай қолдирилган. Бу қуллиётда ёзилмай қолган ерларни, 178 рақамли нусха ёки бошқа нусхалар асосида тўлдирishi мумкин.

Бу нусха чиройли настаълиқ хати билан, қора снѐҳда, сарлавҳалар эса қизил снѐҳда юқори сифатли шарқ қоғозига ёзилган. Асар тексти суялтирилган тилла ва кўк бўёқдан чизилган рамка ичига олинган.

Асарнинг уч ерида (1^б—2^а), (5^б—6^а), (287^б—288^а) икки саҳифасига қатта бадий лавҳа чизилган. Шунингдек, асарнинг қуйидаги 40^б, 46^б, 81^б, 106^б, 147^б, 173^б, 231^б, 317^б, 403^б, 513^б саҳифаларига ҳам бадий лавҳалар ишланган.

Бу нусха зътибор билан 908/1502—1503 йили(80^б) котиб — **درویش** محمد ابن امير سرح ابن امير شيخ محمد ابني امير سرح ابني امير شايخ محمد томонидан кўчирилган.

Охиридан бир неча варақ етишмайди. 641^а саҳифасидан бошлаб асар тексти фақат ҳошниясига ёзилган.

660 в., 14×25.

خمسه

„ХАМСА“

Бу асар назм билан ёзилган бўлиб, Амир Хусравнинг **مطلع شیرین** ва **خوسرو** — **شیرین و خسرو**, **ماتلہء ال-انوار**.

рав", — *آينه اسكندري*, "Мажнун ва Лайли", — *مجنون و ليلي*.
"Ойинаи Искандарий", — *هشت بهشت*, "Ҳашт беҳешт" номли беш дostonини ўз ичига олади.

1. «Матлаъ ал-анвор» (Еритгичларнинг чиқиши). Асар 698/1299 йилда икки ҳафта давомида ёзилган бўлиб, 3310 байтдан иборат. «Матлаъ ал-анвор» Низомий Ганжавийнинг «Махзан ал-асрор» (Сирлар хазинаси) асарига жавобан ёзилган бўлиб, у ҳам 20 мақола—суҳбат ва хотимадан иборат. Асарда муаллиф тарбиявий-ахлоқий масалалар устида фикр юритади.

2. «Ширин ва Хусрав». Достон 698/1299 йили ражаб (апрель) ойининг бошларида тугатилган бўлиб, 4124 байтдан иборат. Амир Хусрав бу маснавийсини Низомийнинг «Хусрав ва Ширин»га жавобан ёзган.

3. «Мажнун ва Лайли». Бу ишқий достон 2660 байтдан иборат бўлиб, Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» маснавийсига жавобан 698/1299 йилда ёзилган.

4. «Ойинаи Искандарий»... (Искандар кўзгуси). Достон 699/1300 йилда ёзилган ва 4450 байтдан иборат.

5. «Ҳашт беҳешт» («Саккиз жаннат»). Низомийнинг «Ҳафт пайкар» (Етти гўзал)га жавобан 701/1302 йилда ёзилган бўлиб, 3344 байтдан иборат¹.

3. 2179.

Амир Хусрав Деҳлавий «Хамса»сининг бу нусхаси дунё қўл-ёзма хазиналарида сақланаётган нусхалари ичида энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири ҳисобланади. Чунки бу нусха Амир Хусрав вафотидан 30 йил кейин кўчирилган бўлиб, беш дostonдан учтаси «Хусрав ва Ширин» (39⁶—83⁶), «Ойинаи Искандарий» (84⁶—130⁶), «Ҳашт беҳешт» (160⁶—195⁶) лар машҳур лирик шоир Ҳофиз томонидан кўчирилган.

«Хусрав ва Ширин» дostonининг охирида (83⁶) котиб томонидан қуйидаги иборалар ёзиб қўйилган:

كتبه الفقير محمد بن محمد بن محمد الملقب بشمس الحافظ...
في الثالث عشر جمادى الاول سنة ست و خمسين و سبعمائة

«Ойинаи Искандарий» дostonининг охирида (130⁶) котиб бундай ёзади:

كتبه الفقير... محمد بن محمد بن محمد الملقب بشمس الحافظ
الشيرازى... في رابع و العشرين صفر حتم بالخير و الظفر سنة
ست و خمسين و سبعمائة...

«Ҳашт беҳешт» дostonининг охирида (195⁶) қуйидагича ёзиб қўйилган:

¹ Ш. Шомухамедов, Б. Мусаев, Амир Хусрав Деҳлавий, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1971, 53—69-бетлар.

كتبه الفقير... محمد بن محمد بن محمد الملقب بشمس الحافظ
الشيرازى... فى يوم الاثنين سادس شهر ربيع الاخر لسنة ست و
خمسین و سبعائة الهجرية...

Биринчи „Матлаъ ал-анвор“ номли дoston охирида котиб то-
монидан қуйидагилар ёзиб қолдирилган:

كتبه العبد الفقير... احمد ابن ولى ابن عبدالله الشيرازى... فى
يوم الثالث ثلث عشر جمادى الاول سنة ست و خمسين و سبعائة

Лекин «Мажнун ва Лайло» дostonининг охирида котибининг
номи ва кўчирилган йили кўрсатилмаган. Хати, қоғози ва тузилиш
услугига қараганда, «Мажнун ва Лайло» дostonи ҳам шу муқо-
вага кирган дostonлар билан бир вақтда кўчирилган.

Шуни айтиш керакки, бу нусхада негaдир «Ойинпан Искандарий» дostonи «Мажнун ва Лайло» дostonидан олдин жойлашти-
рилган.

Бу нусха қуйидаги сўзлар билан бошланади:

خطبه قدس است بملك قديم

Асар бошдан оёқ ярим насх ва ярим суле хати билан ёзилган.
Асарнинг сарлавҳалари қизил рангли сиеҳ билан суле ва насх
хатида ёзилган.

Асар сариқ рангли, юқори сифатли қалин ва силлиқ шарқ
қоғозига ёзилган бўлиб, аввалги саҳифасига суюлтирилган тил-
ла ва ҳар хил бўёқлардан жуда позик бадний лавҳа ишланган.
Шунингдек, ҳар бир дostonнинг аввалига кичкина бадний лавҳа
чизилган. Биринчи дostonнинг аввалига чизилган лавҳа йиртилган.

195 в., 19,5×29,5.

СВР, т. II, стр. 119—123, № 1011.

4. Шу асар, 3317.

Бу нусха бизга яхши сақланган ҳолда етиб келмаган. Узоқ
вақт нам жойда қолиб анча уринган. Яхши насх хати билан, но-
маълум котиб томонидан кўчирилган. Асарнинг хатига ва тайёр-
ланиш услубига қараганда, XIV—XV асрларда кўчирилган дейиш
мумкин.

Асар 36 та ажойиб миниатюра билан безатилган. Лекин кўпги-
на миниатюралар анча уринган. Кўп варақлари реставрация
қилинган.

Дostonлар муқова қилиш вақтида олдин-кейин бўлиб кетган.
Бу нусха қуйидаги сўзлар билан бошланади:

ای داده بدل خزینه راز عقل از تو شده خزینه پرداز

Орасидан тушиб қолган бир қанча варақлар кейинчалик номаъ-
лум котиб томонидан настаълиқ хати билан кўчириб тўлдирил-
ган. Очиқ ҳолда қолган варақлар ҳам кўп.

„Матлаъ ал-анвор“ дostonининг биринчи варағи 284-варақ-
нинг 6 саҳифасига ёпиштириб қўйилган. Охири тушиб қолган.

352 в., 20×29,5.

5. Шу асар, 12337/II.

Бу нусха яхши настаълиқ хати билан қора сиёҳда, сарлавҳалари эса қизил сиёҳда шарқ қоғозига ёзилган. Асар тексти мазкур қўлёзманинг хошиясига ёзилган бўлиб, қизил сиёҳ билан чизилган рамка ичига олинган. Достонлар қуйидагича тартибда жойлаштирилган „Матлаъ ал-анвор“ (1^a-63^a), „Ширин ва Хусрав“ (63^b-121^a), „Хашт беҳешт“ (121^b-188^a), „Ойнаи Искандарий“ (188^b-300^a), „Мажнун ва Лайли“ (300^b-434^b).

„Матлаъ ал-анвор“ асарининг охирида кўрсатилишича (63^b), бу дoston 903/1497—1498 йили, қолган дostonлар эса (434^b) 904/1498—1499 йили котиб—سلطان محمد султон Муҳаммад томонидан кўчирилган.

Аваллидан бир оз етишмайди. „Матлаъ ал-анвор“ дostonининг 30 варағигача бўлган қисми, реставрация вақтида қоғоз ёпиштирилгани учун, ўқиб бўлмайдиган даражага келиб қолган.

434 в. (1^a-434^b), $15,5 \times 24,5$.

6. Шу АСАР, 191.

Бу нусха яхши сақланган нусхалардан бўлиб, ажойиб настаълиқ хати билан юқори сифатли шарқ қоғозига ёзилган. Текст тилла ва кўк рангли рамка ичига олинган. Сарлавҳалар эса сулҳ хати билан кўк, қизил ва суюлтирилган тилла билан ёзилган.

Асарнинг аввалида икки саҳифага бадий лавҳа ишланган бўлиб, унинг бир саҳифасидаги қисми яхши сақланиб қолган. Ҳар бир дostonнинг бошланишига кичкина бадий лавҳа ишланган.

Мазкур нусха 905/1499 йили (в. 106^b , 143^b) котиб—محمود Маҳмуд (205^b) томонидан кўчирилган.

Охиридан тушиб қолган уч варақ, кейинчалик номаълум котиб томонидан кўчириб, тўлдирилган.

252 в., 17×23 .

СВР, т. II, стр. 123, № 1013.

7. Шу асар, 2218.

Бу нусха яхши сақланган нусхалардан бири бўлиб, гўзал настаълиқ хати билан юқори сифатли силлиқ, сариқ рангли шарқ қоғозига ёзилган. Текст суюлтирилган тилла ва буёқлардан ишланган рамка ичига олинган.

Асарнинг сарлавҳалари эса суюлтирилган тилла ва кўк сиёҳ билан ёзилган.

Асарнинг аввалида тўрт саҳифага суюлтирилган тилла ва ҳар хил буёқлардан ишланган бадий лавҳа чизилган. Шунингдек, ҳар бир дostonнинг бошланиш ерига ҳам бадий лавҳа чизилган.

Бу „Хамса“нинг хошиясига Абдурахмон Жомийнинг „Тухфат ал-аҳрор“ (3^b-78^b), „Сабҳат ал-аброр“ (78^b-207^a), „Юсуф ва Зулайҳо“ (207^a-378^a), „Лайло ва Мажнун“ (378^b-543^a), „Хи-

радноман Искандарий“ (543^а—642^а) асарлари ёзилган. Мазкур асарларнинг бошланишига ҳам бадий лавҳа чизилган.

Котиб—*پير حسين ابن پير حسن الكاتب الشيرازي* Пир Хусайн ибни Пир Ҳасан ал-котиб аш-Шерозий.

Кўчирилган йили—940/1533.

656 в., 18,5×28,5.

СВР, т. II, стр. 123, № 1014.

8. Шу АСАР, 1473.

Бу нусха ҳам яхши сақланган нусхалардан бўлиб, чиройли, майда настаълиқ хати билан юқори сифатли шарқ қоғозига ёзилган. Асар тексти суялтирилган тилладан чизилган рамка ичига жойлаштирилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган.

Мазкур беш дostonдан „Матлаъ ал-анвор“ (1⁶—117^а), „Мажнун ва Лайли“ (117⁶—207^а), „Ҳашт беҳешт“, (207⁶—322^а)лар қўлёзма саҳифасининг ўртасида келтирилган бўлиб, „Ширин ва Хусрав“ (1⁶—153^а), „Ойнаи Искандарий“лар эса (153⁶—322^а) қўлёзма саҳифасининг ҳошиясига ёзилган.

Ҳар бир дostonнинг бошланиш ерига нозик бадий лавҳа чизилган.

Асар яхши қора чарм муқовада бўлиб, кўчирилган ери ва котибнинг исми кўрсатилмаган. Бу нусха қоғози, хати ва тузилиш услубига қараганда XVI асрда кўчирилган.

322 в., 10×17.

СВР, т. II, стр. 124, № 1015.

9. Шу АСАР, 6687/1.

Бу нусха ўртача настаълиқ хати билан қора сиёҳда, сарлавҳалари эса қизил сиёҳда шарқ қоғозига 1028/1618—1619 йили (45^а, 104^а, 139^а, 199^а, 245^а) ёзилган. Асар тексти қизил сиёҳ билан чизилган рамка ичига олинган. Котиб китобат тарихини беш жойда келтирса-да, лекин ўз номини кўрсатмаган.

245 в. (1⁶—245^а), 18×25,5.

10. Шу АСАР, 4396

Бу нусха ўртача настаълиқ хати билан қора сиёҳда шарқ қоғозига ёзилган. Асарда котибнинг номи ва кўчирилган йили кўрсатилмаган, сарлавҳалари қизил сиёҳ билан ёзилган. Қизил чарм муқовада.

Хати, қоғози ва тузилиш тартибига қараганда, мазкур нусха XVII асрда кўчирилган.

271 в., 25×15.

11. Шу АСАР, 5521.

Бу нусха Амир Хусрав „Хамса“сининг қадимий нусхаларидан эмас, у ўртача настаълиқ хати билан қора сиёҳда шарқ қоғозига номаълум котиб томонидан кўчирилган. Сарлавҳалари қизил сиёҳ билан ёзилган. Дostonлар ҳам тартиб билан эмас, балки қуйидагича жойлаштирилган: 1) „Матлаъ ал-анвор“ (1^а—30^а), 2) „Маж-

пун ва Лайли“ (30^б—61^б), 3) Ҳашт беҳешт“ (62^а—102^б), 4) „Ширин ва Хусрав“ (103^а—144^б), 5) „Ойинаи Искандарий“ (145^а—196^б). Хати, қоғози ва тузилишига қараганда, бу нусха XVII ёки XVIII асрларда кўчирилган бўлиши керак. Асарнинг аввали ва охири етишмайди, кўп варақлари реставрация қилинган.

196 в., 17×22,5.

СВР, т. VI, стр. 223, № 4452.

12. Шу АСАР, 777.

